

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2005-yil • 15-oktabr • Shanba • 128(27.463) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.



АССАЛОМ, ТАНТИ ДЕҲҚОН, ҒАЛАБАНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Публицистика

Ассалом, пахтакор ўлкамининг танти деҳқони! Шодлиги ичига сизга бир ўғлонингиздай суюнчи сўрасам, айб этманг бу кун. Сиз йил буйи орзиқиб, ошиқиб, бедор кутган кун келди. Пахта гулли дўппингизни осмонга отиб, шодлигингизни оламга овоза қилсангиз арзигудек кун келди. Мустақилликнинг ўн тўртинчи йили кўтлуг кузининг кечаги нурафшон кунни Сиз яратган олтин тоғ — улкан пахта хирмонининг зарҳал чўққисини ярқиратиб — зафар ола келди, шон ола келди.

Сиздек дала донишмандлари, пахта полвонлари билан кучок очиб бел олишмоқ, чаноқларнинг гадир-будирлигини эсга солувчи қадоқ қўлларингизни кафтимишга олиб, чин дилдан кўтламоқ ўзи бир шараф.

Пахтани одатда (унинг йил буйи минг даражали хароратни олгандан сўнг пишиб етилишини ўйлаб) қуёш фарзанди деб таърифлаб, келардик. Аслида, у Сизнинг фарзандингиз, Сизнинг дилбандингиз. Ахир, инсон ҳам ўз дилбанди, ўз фарзанди учун парвона бўлса, куюниб куйса — Сизчалик бўлар, Сизчалик куюнар-да...

Агар тили бўлса, гўзангизни ўзи бу йилги жасоратингизни элга дoston қилиб айтиб берган бўларди, шаксиз. Қўзи бўлса, фалакнинг ўзи кўргандир — эрта баҳор кезлари кутилмаганда юз берган шаррос ёмғир, дўл, сел ва аччиқ аёзлардан сўнг мурғаккина ниҳоллар эндигина бош кўтарган далаларингизда юракларни ачиштириб юборган мусибатли манзараларни... Замин ҳам агар сўйлай олганда, сўзсиз, айтиб берарди, бошига тушган ўша табиий офатларни ва Сиз чеккан азоб-қўбатларни...

Мана, бугун 3 миллион 600 минг тонналик улкан пахта хирмонингиз адл тикланиб, насиб этса, 4 миллион тонналик янги пурикдор хирмонларнинг жойлари ҳам ҳозирланмоқда. Демакки, бугун букилмас иродангиз туфайли пешонангиз ярқираб,

ғолиблар даврасида ўтирибсиз. Мамлакатимиз Президенти кунни кеча сиз, азизларга йўллаган табригиде таъкидлаганларидек, «**Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон пахтачилиги тарихида том маънода янги, ёркин саҳифа бўлмиш бу ажойиб ғалаба; яъни, октябрь ойининг биринчи ярмида белгиланган юксак маррани эгаллаб, ҳосилни юз фоиз юқори сифат билан топширишга эришилгани замирида кўп-кўп омил ва мезонлар муважжасам».**

Мамлакатимиз Президенти кунни кеча сиз, азизларга йўллаган табригиде таъкидлаганларидек, «**Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон пахтачилиги тарихида том маънода янги, ёркин саҳифа бўлмиш бу ажойиб ғалаба; яъни, октябрь ойининг биринчи ярмида белгиланган юксак маррани эгаллаб, ҳосилни юз фоиз юқори сифат билан топширишга эришилгани замирида кўп-кўп омил ва мезонлар муважжасам».**

Мамлакатимиз Президенти кунни кеча сиз, азизларга йўллаган табригиде таъкидлаганларидек, «**Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон пахтачилиги тарихида том маънода янги, ёркин саҳифа бўлмиш бу ажойиб ғалаба; яъни, октябрь ойининг биринчи ярмида белгиланган юксак маррани эгаллаб, ҳосилни юз фоиз юқори сифат билан топширишга эришилгани замирида кўп-кўп омил ва мезонлар муважжасам».**

Мамлакатимиз Президенти кунни кеча сиз, азизларга йўллаган табригиде таъкидлаганларидек, «**Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон пахтачилиги тарихида том маънода янги, ёркин саҳифа бўлмиш бу ажойиб ғалаба; яъни, октябрь ойининг биринчи ярмида белгиланган юксак маррани эгаллаб, ҳосилни юз фоиз юқори сифат билан топширишга эришилгани замирида кўп-кўп омил ва мезонлар муважжасам».**

2-бет

ЭЗГУЛИККА ТУМОР КЎЗМУНЧОҚ ЭЛИМ

Таширфингга балли, олтин кузимиз,
Бахт битди деҳқоннинг пешонасига.
Кўёш силлагандан ёруғ юзимиз,
Тиллолар тўқилмиш остонасига.

Бепойн далалар мисли хонадон,
Кўналага ётоққидир яшил далалар.
Ишда кўрди ўзин ҳар бир тирикжон,
Бешигини офтоб тун-кун алалар.

Меҳрин ато этди нозик ниҳолга,
Гудакни авайлаб ўстирган каби.
Ахир, катта гуноҳ, қолса уволга,
Ернинг томирида деҳқоннинг қалби!

Баҳор ҳашарлашди, ёз берди қўлин,
Сахий кўз борлигин этди армуғон.
Табиат тушунар пахтакор дилин,
Тўқин насибаси пайкалда пинҳон.

Меҳнатдан яралар толе-мўъжиза,
Ўз-ўзидан келмас омад ҳам асло.
Ҳотамтой кўммаган бу олтин кўза,
Пешона теридир бу хазина-кон!

Бағри дунё элим! Она Ўзбегим,
Пахтасин «оқ олтин» атаган мард халқ!
Оламга намойиш этди ўзлигин,
Ардоқлаб, кўкисини очгай одил Халқ!

*Еримиз сўзлайди пахта тилида,
Пахта — ифтихордир, ризқ-рўз, дастурхон!
Яхшилик яшайди оппоқ кўнглида,
Олтин тодаларга интиқдир жаҳон!*

*Қадоқ қўлларингизга жоним тасаддуқ,
Заршунос, заргарим, ҳазрат деҳқоним!
Меҳнатинг қалбимда тарона-қўшиқ,
Омон бўл, онажон — Ўзбекистоним!*

*Омад кулиб боқсин, зафар ёр бўлсин,
Қалбимдан ягона танлаган йўлим!
Манзилнинг Оллоҳ мададкор бўлсин,
Эзгуликка тумор кўзмуноқ элим!*
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Олий судида жорий йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланган 15 нафар шахс устидан очиқ суд жараёни давом этмоқда. Бугунга қадар суд мажлислари давомиде судланувчиларнинг, шунингдек, юздан ортиқ жабрланувчи ва уларнинг қонуний вакиллари, гувоҳлар ва фуқаровий даъвогарларнинг кўргазмалари тингланди.

матчилар ўлдирилган. Нафақахўр Анорбой Топилдиевнинг ёлғиз ўғли ҳам хизмат вазифасини ўтаётган пайтда ҳалок бўлди. Чегарачи Аброр Топилдиев ва унинг хизматдоши Дилмурод Усубалиевни Қирғизистон ҳудудидан рес-

олиб, — ўғлимни камаридан танидим. Ҳамма жойи қон эди, лаблари йиртилиб кетган, бошининг орқа қисми ёрилган, баданида кўкармаган жойи қолмаган. 11 та жойидан ўқ изларини топдик...»
«Ўша мудҳиш, қўли қонга ботган юртбузарлар бизни зор-зор йиғлатиб, бир умрга армон доғида қолдириб кетди. Ҳеч бир

кур фожидада ўғлидан жудо бўлган волида — Ўғилхон ая Рустамовнинг ноласи бу.

Барчиной Раҳматова эса ўша кунлари эридан ажради. «Ишга бормай қўя қўлинг, Андижонда тинчлик эмас экан, десам ҳам 13 майда ўз автомобиласида ишга кетган эди», дейди Б. Раҳматова. Аёлининг эри ва унинг раҳбари кетаётган машина террорчилар томонидан тўхтатилиб, улар ҳокимият биносига олиб килинган, кейин эса қийноқ остига олиниб, ваҳшийларча ўлдирилган. Уч фарзанд етим қолди...
Ярадор бўлганлар-чи, оз деб ўйлайсизми? Расмий маълумотга кўра, ўша кунлари ярадор бўлганлар сони 287 нафарни ташкил этди. Улардан 91 нафари тинч аҳоли вакиллари эди.

Ички ишлар ходими Тоҳир Маннопов ўша машҳур 13 май кунги хизмат вазифасини бажариш учун кетаётганда, террорчилар томонидан қўлга олинди.

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ЙЎЛИ

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи Президент Ислам Каримовнинг «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида» деб номланган китобини нашрдан чиқарди

Китобда давлатимиз раҳбарининг бозор иқтисодиёти шартларида — таррақийнинг Ўзбек модели, банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорликка доир назарий қарашлари, қимматли ғоя, фикр ва мулоҳазалари, амалий ёндошувлари жамланган бўлиб, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши, мамлакатимизнинг халқаро иқтисодиёт тизими билан интеграциялашувига боғлиқ кўплаб муҳим ва долзарб масалалар теран таърифлаб берилган. Китобни мутолаа қилар экансиз,



ўшбу китобда ўзининг ҳар томонлама чўқур ифодасини топган. Юртбошимизнинг ўн уч ҳилдлик асарлари асосида тайёрланган ўшбу мажмуа банк ва молия тизими ходимлари, олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари, аспирант ва талабалар ҳамда банк-молия муносабатлари билан шуғулланаётган, шу соҳа бўйича фаолият юритаётган мутахассислар учун доимо иш столи устида турадиган, қўлдан қўймай фойдаланиладиган қимматли манбадир. Шу билан бирга, мазкур китоб нафақат мутахассислар,

иктисодий мустақилликка эришиш учун халқимиз босиб ўтган машаққатли ва мураккаб тарихий тараққий йўли кўз олдингизда яққол намойён бўлади.

Миллий валютанинг муомаласига киритилиши, чет эл сармояларининг мамлакат иқтисодиётига кенг жалб этиш учун олиб борилган саёй-ҳаракатлар, халқаро иқтисодий ва молия ташкилотлари билан изчил ҳамкорлик, банк, молия ва кредит тизимини жаҳон талаблари даражасига кўтариш, экспортни кенгайтириш, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизда бугунги барқарор ўсишга босқичма-босқич равишда қандай замин яратилгани

балки кенг жамоатчилик учун ҳам муҳим назарий-амалий аҳамиятга эга.

Президент Ислам Каримов 1993 йили Олий Кенгашининг XIII сессиясида сўзлаган нутқида: «Бозор иқтисодиётига ўтиш биринчи навбатда ҳаётимизда, иқтисодиётимизда барқарорликка эришиш билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни, молиявий аҳолини барқарорлаштириш — иқтисодий ислохларимизни амалга оширишнинг муҳим шартидир», — деб ўқитган эди. Ўшбу китоб шу қўлтуғ эзгу мақсад йўлидаги собитқадим интилишни ўзда яққол муважжасам этади.

(ЎЗА)

ЎЗХДП янгиликлари

ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ЎҚУВИ

2005 йил 13-14 октябрь кунлари Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорқи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашидаги ХДП депутатлар гуруҳлари раҳбарлари ҳамда шу минтақалар партия кенгашлари раисларининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш — ҳозирги босқичда бунёдкорлик ўзгаришларининг баш мақсади» мавзусидаги икки кунлик семинари бўлиб ўтди.

Семинар Марказий Кенгаш томонидан ишлаб чиқилган партия фаоллари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари раислари Л.Ғуломов «Мамлакатда амалга оширилаётган бунёдкорлик ўзгаришларининг баш мақсади ва ривожланишининг ҳозирги босқичда Ўзбекистон ХДП дастурий устуворликлари ҳамда фаолиятининг хусусиятлари» мавзусида маъруза қилди, таниқли давлат ва жамоат арбоблари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари, олимлар сўзга чиқдилар. Чўнончи, семинарнинг иккинчи иш кўни — Қонунчилик палатасида ўтказилган қисмида палата спикери ўринбосари М.Сафаева, палатанинг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси раиси И.Кочмарик ҳамда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Н.Исмоилов, парламент қўйи палатасидаги ХДП фракциясининг раиси А.Рустамов, Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси аъзоси У.Вафоев маъруза қилдилар.

Семинарда қўрилган муҳим масалалар қаторида халқимиз, мамлакатимиз, жамиятимиз учун катта аҳамиятга эга бўлган қўйидаги муаммолар бор:

— парламент ислоҳоти, вакиллик демократияси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш амалиётини ривожлантириш;
— халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва сиёсий партияларнинг улардаги вакиллар фаолиятининг мевърий-ҳуқуқий негизини тақомиллаштириш;
— Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва қўйи ташкилотларининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, иш билан бандлик муаммоларини ҳал этиш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа масалаларда Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДПнинг фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари



Суратда: семинар иштирокчиларидан бир гуруҳи.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ҲАҚИҚАТ КЎЗГУСИ

Берилган кўргазмаларни эшитар экансан, ўз-ўзидан ўша машҳур кўнлар силсиласи кўз ўнгида ўтади, хулоса ясайсан; Андижон воқеалари, хорижий оммавий ахборот воситаларида бот-бот ёритилаётганидек, «тинч аҳоли намойиши» эмас, балки аввалдан пухта режалаштирилган га асосий мақсади — Ўзбекистондаги тинч ҳаёт тарзини издан чиқариш, давлат тузумини ағдарилдан иборат қонли ҳаракат бўлган. Ҳа, айнан, қонли! Бугун ўша қон изларини бевақт оламдан ўтган дуркун йиғит онаси, эрини

йўқотган бечора аёл, ўғлидан айрилган отанин кўз ёшлариде кўриш мумкин...
Ўша воқеалар оқибатида, айблов хулосасида таъкидланганича, жами 187 киши ҳалок бўлган, уларнинг 60 нафари тинч аҳоли вакиллари, икки нафари вояга етмаган бола ва биттаси аёл киши бўлган. Террорчилар томонидан 31 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ва ҳарбий хиз-

публикаимиз ҳудудида бостириб қирган қуроли шахслар гуруҳи асирга олишти. Улар қаттиқ қийноққа солиндилар, Аброр 13 май кунни отиб ташланди. Д. Усубалиев эса ярадор бўлди.
«...Ўша кунни ўғлимни излаб, ҳокимият биносига, ҳарбий қисмига, вилоят шифохонасига бордим. Тополмадим. Ахийри, «морга» боришга журъат этдим. — дейди воқеа тафсилотларини эслаб гапномма ота, оғир тин

гуноҳи йўқ, бекордан-бекорга нобуд бўлганлар орасида ўғлим Орифжон Рустамов ҳам бор. У ҳали ўттизгаям тўлмаганди. Орифжоним вилоят тез ёрдам бўлимида ишлаётганди. Ўша кунни тиббий ёрдамга муҳтож бўлганларнинг жонига аро кириш, малҳам қўйиш учун шошилчин йўлга чиқди. Ғаламислар тиббий ёрдам машинасини ўққа тутиб, ўғилгинанинг ҳаётига зомин бўлдилар...» Маз-

2-бет

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKORI!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.aloqabank.uz E-mail: info@aloqabank.uz
Хизматлар лицензияланган

ТАҲЛИЛ ГУРУҲИ ТУЗИЛДИ
ЎЗХДП Наманган вилоят кенгаши қошида партия янги Дастирунинг амалга оширилиши бўйича таҳлил гуруҳи тузилди. Таҳлил гуруҳи аъзолари меҳнат миграцияси, жамоалардаги мавсумий ва доимий иш ўринларининг нисбатини аниқлаш масаласи бўйича дастлабки изланишни бошладилар.
НОСИРЖОН ДЕҲҚОНОВ

